

**ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР ХАРАЖАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ
БАҲОЛАШДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

*Рўзмамаматов Анвар Қадамбоевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
мустақил изланувчиси
e-mail:anvar.r.q@mail.ru*

Аннотация: Бугунги кундаги жаҳон бозоридаги юқори рақобат шаротида қўп харажат талаб қиласидиган, маънавий эскирган истеъмол товарларига бўлган талаблар кескин пасайиб кетмоқда. Бу эса, мамлакатимизда амалга оширилаётган янги лойиҳаларда кам харажат талаб этадиган замонавий, қулай, энергосамарадорлиги юқори, арzon ва сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни тақазо этади. Бу албатта, ишга туширалаётган янги лойиҳалар харажатларининг самарадорлигини баҳолашни талаб этади. Ушбу мақолада янги лойиҳалар харажатлари самарадорлигини баҳолашда таҳлилий амаллардан фойдаланиш га кенгрок тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: инвестиция, янги инвестицион лойиҳа, янги лойиҳалар харажатларининг самарадорлик кўрсатгичлари, янги лойиҳа харажатларининг қопланиш муддати, таҳлилий амаллар.

Худудларни барқарор ривожлантиришда янги лойиҳаларга киритилаётган инвестициялар муҳим омил бўлишини инобатга олиб, мамлакатимизда инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “Юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қулай шартшароитлар яратилади. Саноат зоналарини бошқаришда хусусий операторлар, жумладан, юқори малакали хорижий компанияларни фаол жалб қилиш амалиёти кенгайтирилади. Махсус иқтисодий зоналар фаолият муддатлари бўйича чекловлар ҳам бекор қилинади”¹. Бу эса мамкалакатимизга тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг жозибадорлигини яна оширади. Бундай шароитда, янги лойиҳаларнинг самарадорлигини иқтисодий ҳамда экологик жиҳатдан чуқур ўргангандан ҳолда танлаб, маҳсус иқтисодий зоналарда ишлаб чиқаришларни ташкил этиш жуда муҳим ҳисобланади.

Янги лойиҳаларга инвестиция киритишда инвесторларнинг асосий эътибори, мазкур хатти харакатларнинг кафолатланган, рисклардан минимал ҳимоя қилинган, иқтисодий ва молиявий самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларга қаратилади. Ҳозирги вақтда “яшил” иқтисодиётни шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишига ўтиш глобал даражада ҳам, Ўзбекистан учун ҳам устувор вазифалардан биридир. Иқтисодий ривожланишга ўтиш даврида энг муҳим шарт экологик тоза яшаш

¹ 2024 йил 02 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/7194>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

муҳитидир. Унга ва умуман экологик-иқтисодий тизимнинг ҳолатига стратегик мақсадларга эришишда муҳим рол ўйнайдиган янги лойиҳаларни амалга ошириш таъсир қўрсатади. Бу борада, янги лойиҳалар харажатлари самарадорлигини таҳлилий амаллар билан тўғри баҳолаш, юзага келиши мумкин бўлган жуда кўп ноаниқликларни аниқ баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунда корхоналар нафақат сотиш ҳажми ва фойда ҳақида, балки ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий оқибатларини минималлаштириш ҳақида ҳам ғамхўрлик қилишлари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича режалари бўлиши керак. Экологик стандартларга риоя қилиш учун лойиҳа ташаббускорлари энг янги ускуналардан фойдаланиши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини мунтазам равиша модернизация қилиш зарур. Лойиҳа ташаббускорлари қулай атроф-муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, лойиҳа охирида ускуналарни демонтаж қилиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммаларига олишлари лозим.

Янги лойиҳаларга инвестиция киритиш тўғрисида, уларни маҳсус иқтисодий зоналарга қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин, мазкур лойиҳа бўйича устувор йўналишларни аниқлаштириши лозим. Янги лойиҳалар харажатлари самарадорлигини таҳлил қилишда, унинг устувор йўналишлари ва босқичларини белгилаб олиши лозим:

- янги лойиҳанинг мумкин бўлган ўзини қоплаш муддатини таҳлил қилиш;
- лойиҳанинг экологик хавфсизлини таҳлил қилиш;
- молиявий таҳлил (фойда олиш имконияти ва миқдори);
- янги лойиҳа бўйича яратилган маҳсулотнинг бозор имкониятларини таҳлил қилиш;
- янги лойиҳанинг инвесторнинг молиявий имкониятларига мувофиқлигини таҳлил қилиш;

Таҳлил янги лойиҳа хақиқатан ҳам қанчага тушиши ва қанча вақт давомида ўзини оқлашини, шунингдек, мазкур лойиҳани амалга ошириш мақсадга мувофиқ ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги қўрсатади. Янги лойиҳалар харажатларининг ўзини оқлаш муддати – инвестиция лойиҳаси молиялаштирилган кундан бошлаб жамғарилган соф фойда суммаси ва инвестиция харажатлари ҳажми ўртасидаги фарқ ижобий қийматга эга бўлгунга қадар бўлган давр. Янги лойиҳалар харажатларининг ўзини оқлаш муддатлари бошқа бошланғич нуқтадан ҳам белгиланиши мумкин:

- лойиҳа бошидан бошлаб;
- лойиҳа фойдаланишга топширилган кундан бошлаб;
- лойиҳавий қувватларга чиқсан вақтдан бошлаб ва ҳоказо.

Янги лойиҳалар харажатларининг иқтисодий самарадорлигини молиявий баҳолаш учун иккита усул қўлланилади - Non DFC (Non Discounted Cash Flow- дисконтланмаган пул оқимлари) ва DCF (Discounted Cash Flow- дисконтланган пул оқимлари). Дисконтланмаган пул оқими усули статистик баҳолаш усули бўлиб, вақт ўтиши билан пул қийматининг

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

ўзгаришини ҳисобга олмайди. Дисконтланган пул оқимларида бўйича лойиҳа самарадорлигини баҳолашда эса вақт ўтиши билан пул қийматининг ўзгаришини ҳисобга олади. Янги лойиҳалар харажатлари самарадорлигини таҳлилий амаллар билан баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

- "оддий" ўзини оқлаш муддати (PP - Payback Period);
- дисконтланган ўзини оқлаш муддати (DPP - Discounted Payback Period);
- инвестицияларнинг рентабеллик коеффициенти (ROI — Return on Investment);
- инвестицияларнинг фойдалилик индекси коеффициенти (PI — Profitability Index);
- ички рентабеллик даражаси (IRR — Internal Rate of Return)
- соф жорий қиймат (NPV - Net Present Value).

Янги лойиҳалар харажатларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг кўпгина усуслари соф жорий қийматни (NPV) ҳисоблашга асосланади. Бунда соф жорий қиймат лойиҳа даври давомида соф пул оқимларининг дисконтланган жорий қийматидан киритилган инвестициялар хажмини айриш орқали аниқлади. Янги лойиҳалар харажатларининг иқтисодий самарадорлиги молиявий баҳолашда кўлланиладиган стандарт кўрсаткичларга асосида лойиҳанинг экологик харажатлари ва ундан келадиган наф мезонларини қўшсак, лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги молиявий баҳолашнинг янги кўрсатгичи – экологик соф жорий қиймат (ENPV - Environmental Net Present Value)га эга бўламиз. Шунга кўра $NPV > 0$ бўлса ҳам, экологик омилларни ҳисобга олган ҳолда янги лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда танлов мезонлари қўйидагилардан иборат бўлади: агар $ENPV > 0$ бўлса, лойиҳа қабул қилиниши мумкин; агар $ENPV < 0$ бўлса, лойиҳа рад этилиши керак. Иккита ўзаро эксклюзив лойиҳадан бирини танлаш керак бўлганда, энг юкори ENPV бўлган лойиҳани танланиши керак.

Янги лойиҳалар харажатларининг самарадорлиги баҳолаш бўйича таҳлилий амалларнинг ҳеч бир усулида лойиҳани амалга ошириш даврида вужудга келиши мумкин бўлган жуда кўплаб кутилмаган хатарларни тўла ҳисобга олиш имкони йўқ:

- солиқ қонунчилиги ўзгариши билан боғлиқ хатарлар;
- экологик талаблар кучайиши билан боғлиқ хатарлар;
- логистикадаги узилишлар билан боғлиқ хатарлар;
- ишлаб чиқаришдаги технологик ва бошқа сабаблар (пандемия)га кўра тўхталишлар билан боғлиқ хатарлар.

Шунинг учун янги лойиҳалар харажатларининг самарадорлиги баҳолашда, коеффициентларини ҳисоблаш учун асос қилиб олинган кўрсатгичлар, уларга таъсир этувчи омиллар ва хатарларни баҳолаш ҳамда уларни таҳлилий амалларда ҳисобга олиш лозим.

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 2022 — 2026 Йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2022 йилдаги ПФ-165-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/6102462>.
2. Raximov M.Y.Moliyaviу ҳисобот таҳлили Darslik. - Т.: Iqtisod-Moliya. 2021. – 356 b.
3. Raximov M.Y., Kalandarova N.N. Moliyaviy tahlil. Darslik. Т.: Iqtisod-: Moliya, 2019. -736 b.
4. М. Қ. Пардаев, А.Н.Холиқулов, Г.Жумаева. Инвестицион лойиҳалар таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2019. - 234 бет.
5. Сагдиллаева З.А.. Юлдашева У.А., Алимов Б.Б. Финансовый анализ.: Учебник -Т.: Иктисад-Молия, 2019. - 444 с.
6. Савчук В. П. Анализ и разработка инвестиционных проектов: Учеб. пособие для вузов / В. П. Савчук, С. И. Прилипко, Е. Г. Величко.-:Абсолют-В, 2012. – 302с.
7. Чуприкова З.В. Аудит инвестиционных проектов. Учебное пособие. – М.: МИИТ, 2016. – 122 с.
8. Кузьмина Е.Е. Кузьмина Л.П. Комплексный анализ хозяйственной | деятельности. Москва: Юрайт, 2020. 225 с.
9. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo`yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 6, December 2022
10. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
11. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. О ‘quv qo’llanma. Т.: “Iqtisod-moliya.
12. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
13. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
14. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
15. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
16. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
17. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.:«Экономика-Финансы.
18. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>

BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

19. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини тақомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 2, April 2023.
20. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисботнинг ҳалқаро стандартларини жорий этиш.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
21. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140.
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>
22. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмудов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
23. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
24. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
25. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-сон.
26. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo'yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish
https://gospodarkainnowacje.pl/index.php?issue_view_32&articleview=1910